



Ислом Нури

Эх!.. Жаннат! Жаннат! Болалар, биласизларми, жаннат канака жой? Агар мен hozир жаннат хакида гап бошласам, гапим хеч тугамайди. Аммо майли, келинглр, сизларга озгина гапириб берайин. Колганини катта китобларни ўкиганда ўзинглр билиб оласизлар.

Сизларга тушунтириш учун жаннатни кайси бокка, кайси гўзал шахарга ўхшатсам экан-а?.. Йўк, уни хеч нарсага ўхшатомайман. Чунки бу дунёда жаннатга ўхшайдиган хеч бир жой йўк-да! У шунака хам чиройлики, сўз билан таърифлаб бўлмайди. У ерга факат бориб кўриш керак! Ана шунда биласиз, жаннатнинг канака эканлигини! **«Жаннатда кўз кўрмаган, кулок эшитмаган, одамнинг хаёлидан ўтмаган нарсалар бор»**, – деганлар Пайгамбаримиз.

Жаннат hozир борми? Ха, жаннат hozир бор! У етти кават осмоннинг устида, Аллох Аршининг остида. У нихоятда чиройли боглардан, шаркираб окаётган дарёлардан, ажойиб шахар ва мамлакатлардан, соя-салкин оромгохлардан иборат. Жаннатга кирган одам бу дунёни унутиб кўяй дейди. Хеч кайтиб чиккиси келмайди. Унинг катталиги кандок, айтайми? Етти кават осмон билан ернинг хаммаси кўшилса хам жаннатга тенг бўлолмайди. Жаннат ана шунака катта! Унинг хушбўй хиди 100 йиллик йўлдан келиб туради. Жаннат кават-кават килиб яратилган бўлиб, унинг энг юкориси Фирдавс жаннати деб аталади. Бу дунё йўк бўлиб кетади. Аммо жаннат хеч йўк бўлмайди.

Жаннатнинг 8та дарвозаси бор. Улар шунака каттаки, бу чети билан у четининг ораси 40 йиллик йўл. Жаннат дарвозасининг олдига биринчи бўлиб Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам келадилар. Жаннат у кишига очилади. Жаннатга энг аввал шу зот кирадилар. Кейин у кишининг умматлари – биз мусулмонлар кирамиз. Шундан сўнг бошка пайгамбарларнинг умматлари киришади. Дин йўлида



Ислом Нури

халок бўлган шахидлар, илмига амал килган олимлар, камбагалларни яхши кўрадиган бойлар ва сахийлар жаннатга биринчилар каторида кирадилар. Жаннат ахлининг энг кўпи камбагаллар ва кўп зулм тортган кишилар бўладилар. Ота-онасининг дуосини олган одамлар, эрини рози килган аёллар, хушмуомала кишилар ҳам жаннатга тезрок кирадилар.

Жаннатнинг 100та даражаси бор. Инсонлар бу дунёда канчалик чиройли ва кўп амал килганларига караб турли хил даражада жой оладилар.

Жаннатнинг хавоси жуда ҳам ёқимли. У совук ҳам эмас, иссик ҳам эмас. Доимо худди бахордек бўлиб туради. Эрталаб кун чикиш олдидан бўладиган нахор вакти бор-ку, жаннатда ана ўшанака тоза ва покиза холат бўлади. У ерда куёш бўлмайди. Аммо Аллохнинг нури билан ҳамма ёк ёп-ёруг бўлиб туради.

Жаннатнинг меваларига келсак, уларнинг неча минг хил эканини Аллохдан бошка ҳеч ким билмайди. Улар ҳозир гарк пишиб, жаннати одамларни кутиб турибди. Улар ҳеч қачон айнимайди, сасимайди. Тик туриб узаман десангиз ҳам, ўтирган ерингизда узаман десангиз ҳам, ёнбошлаб ётиб узаман десангиз ҳам жаннат мевалари сизнинг о-о-олдингизга келиб туради. Биттасини узсангиз, унинг ўрнига дархол иккита мева пайдо бўлиб колаверади. Улар шунака ҳам ширинки, мазаси огзингиздан ҳеч ҳам кетмайди.

Агар гўшт егингиз келиб қолса, олдингизга турли қушлар учиб келишади ва тилга кириб сизга ўзларини таништира бошлайдилар: «Мен фалон қушман, фалон нарсадан еб катта бўлганман, гўштим роса ширин, мени енг!» – дейди биттаси. «Мен фалон-фалон гулларни



Ислом Нури

еб ўсганман, менинг гўштим жудаям ширин, мени енг!» – дейди бошкаси. Сиз кайси бирини танласангиз, у ўша захоти пишиб, тилла лаганда олдингизга келади. Еб бўлишингиз билан у яна тирилиб учии-иб кетаверади.

Жаннатда битта одамга мингта хизматчи бўлади. Улар хар гал овкат олиб келишганда 70 хил тилло товоқда турли овкатлар, сон-саноксиз кадахларда ичимликлар келтиришади. Танлаган таомингиздан истаганингизча еяверасиз. Хохлаган ичимлигингиздан мирикиб ичаверасиз. Корнингиз тўлиб кетмайди. Овкатдан кейин хожат ушатиш, ёзилиш бўлмайди. Еган овкатынгиз енгил терга айланиб, ўзи чикиб кетаверади. Танангиздан чиккан тердан ажойиб атирнинг хиди келади. Жаннатда бурун кокиш, туфлаш, йўталиш, шамоллаш, касал бўлиш йўқ. Аллох у ерда хамма одамларга янгидан тана пайдо килиб беради. Баданингизда кон, йиринг, балгам бўлмайди. Нафас олиб, нафас чиқарганингизда огзингиздан ўз-ўзидан хамд-сано ва тасбех чиқаверади. Жаннатда хар бир инсонга овкат ейиш, ичиш ва бошка ишлар учун 100 та одамнинг кучи бериб кўйилади. Бундай яхшиликлар бу дунёда харом нарсалар емаган, харом ишларни килмаган, Аллоху Расулнинг айтганларини килиб ўтган, нафсини тийган инсонлар учун тайёрлаб кўйилган.

Жаннатга киришда кампирлар ёш кизларга айланадилар. Чоллар йигит бўладилар. Жаннатда хамма одамлар бир хилда 33 ёшда бўладилар. Хеч хам каримайдилар, ўлмайдилар. Доимо ёш ва чиройли бўлиб юравадилар.

Жаннатда бир дарёда сув, бир дарёда сут, бир дарёда асал, яна бир дарёда май окади. Дарёлар уйларнинг остидан окиб ўтади. Аммо хеч кимга зарар килмайди. Одамлар уйларидан туриб томоша килиб



Ислом Нури

Ўтирадилар. У ерда яна бир дарё бор. У дарёнинг лабида чиройли кизлар бўлади. Улар жуда чиройли овоз билан ашула айтишади. Одамлар келиб уларнинг ашулаларини эшитадилар. Бунака овозни дунёда хали ҳеч ким эшитмаган. Ўша кизлардан кайси бири кимга ёкиб колса, Аллох уни ўша одамга ҳадя килади. Унинг ўрнига Аллох ўша захоти яна бошқасини яратиб қўяди. Аллох ҳар бир киши учун хизмат килсин, деб жаннатда 72 та киз совга килади. Уларнинг иккитаси бу дунёдаги киз-аёллардан, 70 таси жаннат хурларидан бўлади. Жаннатда хотин-кизлар учун ҳам Аллох жуда кўп яхшиликларни тайёрлаб қўйган.

Жаннатда бир дарахт бор. Агар унинг тагида от билан юз йил чопсангиз ҳам сояси тугамайди. Ҳа, айтгандай, жаннатда канотли учар отлар бўлади. Унга минсангиз, сизни учириниб кетади. Аммо йикитиб юбормайди. Олиб кочиб кетмайди. Каерга десангиз, «хўп» деб, олиб бориб, сизни томоша килдириб юради.

Бу дунёда кам амал килган, жаннатга ҳаммадан кейин кириб, энг оз мукофот оладиган одамни айтиб берайми? У одамга жаннатда бериладиган боғлар, гулзорлар, шаҳар ва мамлакатлар ҳозир биз яшаб турган дунё билан баробар бўлади. Кейин унга шу дунёдан яна 10таси берилади. Ана кўрдингизми? Жаннатдаги энг оз мукофот шунака бўлса, энди роса кўп амал килган одамга бериладиган мукофотни кандай тасаввур килиб бўлади?

Жаннатнинг шаҳар ва кўчалари, сарой ва касрлари, ховли ва уйлари олтин-кумушдан, ёқут ва забаржаддан, марварид ва зумраддандир. Ерида чанг ва кирлар йўқ. Тупроги ёкимли хид таратадиган заъфарондир.



Ислом Нури

Хуллас, одамларга нима ёкадиган бўлса, хаммаси жаннатда мухайё килинган. Уларга нима ёкмайдиган бўлса, хаммасини дўзахга олиб кириб кўйилган.

Жаннатдаги энг катта неъмат ва мукофот шуки, хамма мўминлар Аллохни ўз кўзлари билан кўрадилар! У билан юзма-юз туриб саломлашадилар, гаплашадилар. Бу энг улуг бахтдир. Демак, биз жаннатда Аллохни ва Пайгамбаримизни кўрамиз. Аввалда ўтиб кетган мўмин ота-боболаримиз, момо-бувиларимизни хам иншоаллох жаннатда топамиз. У ерда хар бир одам ўзининг яхши кўрган одамлари, дўстлари билан бирга яшайди. Аммо жаннатга етиш учун инсон бу дунёда хак йўлда бўлиши, кийинчилик ва синовларга чиройли сабр кила олиши керак.

Эхе! Гапираман десам, роса гап кўп. Аммо, вақт кам. Болалар, яхшиси ўзинглар тезроқ китоб ўқийдиган бўлинглар. Шунда яна кўпгина нарсаларни билиб оласизлар. Энг зарури сизлар жаннатга кирадиган яхши болалар ва яхши кизлар бўлинглар. Илмли, одобли, ибодатли, такволи, меҳнатсевар, сабрли ва кўркмас инсонлар бўлиб ўсинглар, хўпми?! Яшанглар!

16 - коида. Биз яшаётган дунё Киёмат куни йўк бўлиб кетади. Шундан сўнг Аллох мўминларни жаннатга киритади. Жаннат бу дунёда Аллохга иймон келтириб, ибодат килган, покиза хаёт кечирган, сабрли, гайратли ва жасур мусулмонлар учун тайёрлаб кўйилган. Мусулмонлар жаннатда абадий роҳатда яшайдилар.



Саволлар

1. Пайгамбаримиз жаннатни кандай таърифлаганлар? Жаннат хозир каерда?
2. Жаннатга энг аввал кимлар киради?
3. Жаннат хакида нималарни биласиз?
4. Жаннатга кириш учун нима килиш керак?